



Ислом Нури

Муаллиф: Абдуррахмон ибн Мухаммад Лухайб

Мутаржим: Абу Жаъфар ал Бухорий

Азиз дўстим!

Ҳозиргина кабрга кўйиб, устидан тупрок тортилган ва сиз йўкотган одам расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам сахобаларига: «Биродарингиз учун истигфор айтинглар, матонатни сўранглар! Чунки у, ҳозир сўроққа тутилади»- дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Унга нималар хакида савол берилади?

Ундан дини, пайгамбари, билими ва бу дунёда килган барча ишлари хакида савол берилади. Бу саволлар ва уларга бериладиган жавоблар оддий ва осондек туюлади. Бирок, кабрда Аллох осон килган одамлар учунгина жавоб бериш осондир!

Азиз дўстим, кабр – охират манзилларининг биринчисидир. Унда ким нажот топса, ундан кейинги ишлар осондир. Кабрда нажот топа олмаган одамларнинг кейинги ишлари чатокдир.

Севимли дўстим, шуни унутмангки, сиз кабрга кўйган одам дафн маросимидан кайтар экансиз, оёк товушларингизни эшитиб туради. Анас разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Банда кабрга кўйилиб, якинлари ундан узоклашар эканлар, уларнинг оёк товушларини эшитади»- дедилар».

Азиз дўстим, бир тафаккур килиб кўринг-чи, кабрга кўйилган шу майит сиз бўлсангиз Аллохдан нималарни умид килар эдингиз?!

Шунинг учун ҳам, бу дунёнинг ўткинчи ва фоний эканини унутманг.



Ислом Нури

Аллох таъоло деди: **«Ер юзидаги барча (махлук) фоний бўлгувсидир. (Факатгина) буюклик ва икромлар сохиби бўлган Роббингизнинг юзигина бокий колади».** Холбуки, Аллох таъоло бизларни имтихон ва синов учун яратган.

Азиз дўстим, унутмангки, хар биримиз гафлатдамиз. Ичимиздаги хар бир одамни ичида бўлган майлликлари Роббимизга юзма-юз келадиган кунга тайёргарлик кўришдан чалгитиб кўйди. Бас, қачон уйғонамиз?! Қачон тайёргарлик кўрамиз?! Ўзимизни ўзимиз қачон хисоб-китоб киламиз?! Ўликни кўрганимиздами?! Кўз олдимизда йўл харакати ходисасида мажакланган ёш йигитнинг жасадини кўргандами?! Ёки ўзимизга якин бўлган севимли одамни йўкотиб, уни кабрга кўйиб, устидан тупрок тортиб, кейин эса уни унутганимиздами?! Ёхуд биримизнинг дунёси ёки мол-мулкига бало келганидами?! Ахир унда ҳам бир оз ўйланиб. Кейин яна гафлатимизга кайтмаяпмизми?!

Севимли дўстим, вақт ўтиши ва янги саҳифаларнинг очилишидан аввал, Аллох билан аҳдни янгилаш: Унга муножот килинг, қилган хатоларингизга эътироф этиб, кўз ёши тўкинг. Муножотнинг лаззатини хис этинг, Аллох учун қуллик ва хокисорликни эътироф этинг! Аллохга хақиқий тавба килинг ва Роббингизга муножот килиб: «Аллохим, мен жонимга кўп жабр қилдим. Гуноҳларни эса Сенгина кечирасан! Аллохим, мени ўзинг кечир ва менга раҳм қил! Дархақиқат, Сен кечирувчи ва раҳмли зотсан»- деб айтинг.

Аллох таъоло: «Аллохга тавба килиб, гуноҳларини кечиршини сўрамайдиларми? Холбуки, Аллох кечирувчи ва раҳмли зотдир» – деди.



Ислом Нури

Тўймасдан килдим мен хатоларимни.

Гуноҳ, сустлик, ўжарликка бўлдим сазовор.

Роббим, Каримсан, кечир гуноҳларимни,

Менинг хаста калбим Сендан умидвор!

Бир одам дўстларидан бирига ушбу мактубни ёзибди:

«Дўстим!

Бу дунёда экансан, ўлимни умид килсанг хам топа олмайдиган диёрга келишдан аввал ўлимдан кўрк. Ўтган нарсаларга афсус билан кўз ёшларинг тўк. Беш вақт намозни, хусусан, бомдод намозини жамоат билан ўқиш учун гайрат кўрсат. Хонадонингни кўшиқлар каби харом нарсалар ва (агар мубтало бўлган бўлсанг) йўлдош антенналаридан тозала. Хонадонингни фаришталар, раҳмат ва Аллоҳга яқинлик ҳукмрон бўлган исломий хонадонга айлантир. Фарзандларинг ва кўл остингда бўлган барчани Аллоҳ рози бўладиган ва севадиган нарсалар билан тарбия кил.

Судхўрликдан саклан! чунки у, дунё ва охиратдаги зиёнди. Савобли ишларга буюриб, гуноҳ ишлардан қайтар. Ислом ва мусулмонлар гамини еб, кечаю-кундуз дининг учун хизмат кил! Аллоҳ йўлига китоб ва овоз тасмаларини ҳадя қилиш хамда яхши сўзлар билан даъват эт! Ўз ҳаётингда, маҳаллангда, кўни-кўшниларинг ўртасида эзгуликларни ёй! Бу, солих амалларни қилишга насихат қилиш, Аллоҳ яхши кўриб, рози бўлган ишларни қилиш билан бўлади. Унутма-ки, бу амалларнинг барчасини қачонлардир бир куни кўйилажагинг қабрингда топасан!».



Ислом Нури

Азиз дўстим, мусулмонлар калбида ҳар бир ходиса олдида меҳр ва шафкат пайдо бўлади. Бирок, бу калбларни камраб олган гуноҳ пардалари сабабли ўта заиф бўлгани учун ҳам бир ҳолатдан бошқасига тез ўзгаради (Аллоҳ ўзи офият берсин).

Севимли дўстим, бу дунёда яна қанча яшайсан? Олтмиш йил... саксон йил... юз йилми?! Кейинчи?!..

Кейин ўлим, ундан кейин ҳисоб-китоб, ундан кейин ё жаннат ёки жаҳаннам!!

Хомид Лаффоф дейди: «Одам фарзандининг холига войлар бўлсин! Унинг олдида уч нарса бор: алами аччиқ ўлим, азоби каттик жаҳаннам ва савоби буюқ жаннат».

Ибн Саммок деди: «Маййитлар ўлимдан кўркиб йигламайдилар. Улар ўтган вақтга ҳасрат қилиб йиглайдилар. Чунки улар, ҳали қиришга тайёр бўлишмаган диёр қаршиларидан чикди-да, унга кирдилар. Бизнинг ўтган вақтимиз қанча-ю, қолган вақтимиз қанча?! Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, бу ҳақда фикр юритган одам юрту дўстларни, ҳуш ва ноҳуш барча нарсани тарқ этади».

Севимли дўстим, шуни аниқ билингки, ўлим фариштаси сиз томон йўл олган. У бугун йўликмаган бўлса-да, сизни унутгани йўқ. Унутмангки, бу дунёнинг ҳаёти машаққат, неъматлари имтиҳон, янгиси эски, мулки фаний, муҳаббати узиладиган, яхшиликлари талашиладиган нарса бўлиб, уни қўлга қиритганлар ё ўткинчи неъмат ичрадилар, ёки бу улар учун балодир ёхуд ҳал қилувчи ўлим келиб барчасидан айиргувчидир..



Ислом Нури

«Эй кавмим, бу хаёт дунёси мато-фойдаланишдир. Охират эса. Баркарорлик диёридир».

Бу дунёдаги умр киска, кўз тиккан хатарлар кўп, банда икки холатнинг биридадир: унинг ўтган умри – Аллохнинг унга қандай муносабатда бўлиши номаълум, келажаги – қанча умри қолди ва Аллохнинг унда қандай тақдирлари бор.

Оиша разияллоху анҳо деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Дунё – диёри бўлмаганларнинг диёри, бойлиги бўлмаганларнинг бойлиги бўлиб, уни ақли бўлмаганларгина тўплайдилар»- дедилар» (Имом Аҳмад ривояти, Албоний бу ҳадисни заиф деган).

Шунинг учун ҳам, дўстим ёш бўлсангизда, қабрга киришдан аввал тавба қилишга шошилинг!

Аллох таъолодан қабрларимизни жаннат богчаларидан бири қилишини, жаҳаннам чуқурларидан бири қилмаслигини сўраймиз.. Аллохим, биз Сендан қабр азобидан паноҳ сўраймиз... Аллохим биз Сендан қабр азобидан паноҳ сўраймиз...

Дўстим, Аллох сизга сабр ва савоб умидини насиб этсин... Аллох таъолодан маййитингизни раҳмат қилиши, кечириси, унинг қабрини кенг ва мунаввар қилиши, ўз раҳмати билан жаннатига киритишини сўрайман. Дарҳақиқат, У эшитувчи ва дуоларни ижобат қилувчи зотдир.

Севимли дўстим, маййитингиз учун дуо қилишни унутманг. Чунки у, дуога жуда ҳам мухтож ва дуо сизнинг у учун берган қатта



совгангиздир.

Аллох таъолодан тавбаларимни қабул қилиши, хатоларимни кечириши ва бу дунёдаги менинг ва барча мусулмонларнинг охириги сўзларини «Ла илаха иллаллох» қилишини сўрайман. Омийн.

Аллох таъоло пайгамбаримиз, Унинг оиласи ва барча саҳобаларига салавот ва саломлар йўлласин...